

КАРАНТИН ОБЪЕКТИ ҲИСОБЛАНГАН КОМСТОК ҚУРТИ  
ЗАРАРКУНАНДАСИ ҲАҚИДА ВА УНГА ҚАРШИ КУРАШ ЧОРАЛАРИ

Хасанов Жамшид Давлетбаевич

Ўсимликлар карантини ва ҳимояси илмий-тадқикот институти.

Қорақалпоғистон Республикаси

кичик илмий ходими.

Зинатдинов Нуратдин Мнажадинович

Ўсимликлар карантини ва ҳимояси илмий-тадқикот институти.

Қорақалпоғистон Республикаси

кичик илмий ходими.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.13340486>

**Аннотация.** Қишилоқ хўжалиги маҳсулотларини етишиширувчи деҳқон ва фермер хўжаликларига комсток қурти зааркунандасига қарши курашии ҳамда унинг ривожланиши ва тарқалиши ҳақида мақолада баён этилган.

**Калти сўзлар:** Комсток қурти зааркунандаси, морфологияси, таърифи, ҳаёт кечириши, зарари ва қарши кураш чоралари.

ON THE PEST OF THE COMSTOCK WORM AS A QUARANTINE FACILITY AND  
MEASURES TO CONTROL IT

**Abstract.** The article describes the control of the comstock worm pest and its development and spread to farmers and farms that grow agricultural products.

**Keywords:** Comstock worm pest, morphology, description, habitat, damage and control measures.

О ВРЕДИТЕЛЕ КОМСТОКОВОГО ЧЕРВЯ КАК КАРАНТИННОГО ОБЪЕКТА И  
МЕРЫ БОРЬБЫ С НИМ

**Аннотация.** В статье описана борьба с вредителем комсток, его развитие и распространение среди фермеров и фермерских хозяйств, выращивающих сельскохозяйственную продукцию.

**Ключевые слова:** червь-вредитель Комстока, морфология, описание, ареал, вредность и меры борьбы.

Тенг қанотлилар туркумининг, кокцидлар – *Coccinea* кенжা туркумига, сўрувчи ҳашаротларнинг унгуборли қуртлар оиласига мансуб бўлиб, хавфли ички карантин ҳашаротдир. Уни деярли барча мевали ва манзарали дараҳт, дараҳтсизон ўсимликлар ҳамда айрим ўтсизон ўсимликларда (ҳатто тут қаторларига яқин жойларда, ғўзада ҳам) учратиш мумкин. Мевали дараҳтлардан анор, олма, нок, шафтоли, шунингдек тутларни қаттиқ заарлайди. Комсток қурти ҳар қандай дараҳтда учраши, панада ҳаёт кечириши, биологик хусусиятлари жуда кўп уруғли бўлиб, табиатда тез тарқалиши ҳисобига унга қарши курашиш жуда қийиндир. Комсток қурти Ўрта Осиёning барча Республикаларига Қозоғистонга, шунингдек Гурузия, Арманистон ва Озарбайжонга тарқалган.

Таърифи; Эркак ва ургочи зотлари ташқи тузилиши бўйича кескин фарқланади.

Урғочиси яssi шаклли, қанотсиз, кам ҳаракатли, эркаги 1 жуфт қанотли, серҳаракат, ранги қизғиш-жигарранг тусда, узунлиги 1-1,5 мм, мўйловлари 10 бўғинли.

Тухумининг узунлиги 0,3 мм, бир томонидан торайган овал шаклда. Ранги сариқ-зарғалдоқ бўлади, юпқа оқ гард билан қопланган. Личинкалари биринчи ёшда 0,45 мм келади, овал шаклда, у тезда оқ ғуборга ўралади, иккита думчага эга, ёнида ўсимталари йўқ.

Урғочисининг узунлиги 3-4 мм дан 5-6 мм гача. Танаси оқ мумсимон кипик билан қопланганигидан оқ бўлиб кўзга ташланади. Танасининг четларида 17 жуфт ўсимталари мавжуд.

Ҳаёт кечириши; Комсток қурти турли жойларда: дараҳт, узум пўстлоқларининг ости, илдиз атрофлари, хазон ораларида тухумлик шаклида қишлиб чиқади. Март-апрел ойларида тухумлардан личинкалар очиб чиқиб дараҳт танаси бўйлаб харакат қилади ва қулай жой танлагач, уни санчиб сўришга киришади. Комсток қурти етук зотга айланади ва 10-30 кунлардан кейин тухум қўйишга киришади.



Зарари; Комсток қурти маданий ва ёввойи ўсимликларнинг 300 дан кўп турини заарланиши мумкин. У ўсимликларнинг барча қисмини (мевасини, ҳатто илдизини ҳам) шикастлайди. Куртлари одатда баргнинг орқа томондаги томирлари бўйилаб озиқланади.

Куртининг зааридан ўсимлик барглари сарғайиб қурийди, новдалари қинғир-қийшиқ бўлиб қолади, дараҳт танаси, илдизлари ва шоҳаларида шиш ва ёриқлар ҳосил бўлади.

Бундай дараҳт заифлашиб, иккиласми зааркунандалар билан тезроқ заарланади. Меваларнинг сифати ёмонлашиб, дараҳт ҳосилдорлиги пасайиб кетади.

Кураш чоралари; Комсток қурти ички карантин обьекти бўлиб ҳисобланади, комсток қурти зааркунандасига биологик кураш сифатида псевдафикусни лаборатория ва дала шароитларида кўпайтириш мумкин. Кимёвий кураш сифатида комсток қурти тарқалган дараҳт ва ўсимликларга қуйидаги инсектицидлар билан ишлов берилади бензофосфат-0,3 %, карате-0,05%, талстар-0,05%, моспилан-0,02%.

#### **REFERENCES**

1. Ш.Т. ХЎЖАЕВ, О.А.СУЛАЙМАНОВ-Умумий ва қишлоқ хўжалик энтомологияси ҳамда уйғунлашган химоя қилиш тизимининг асосолари 214-бет
2. <https://agro-olam.uz/komstok-qurti/>
3. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-k/komstok-qurti-uz/>